

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪLIMI VAZIRLIGI

БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ

**“АМАЛИЙ ФАҢЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ
МЕТОДИКАСИ”**

кафедраси

**“АМАЛИЙ ФАҢЛАР ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА 5 МУҲИМ
ТАШАББУСНИНГ АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги вилоят илмий-амалий

семинар материаллари

ТЎПЛАМИ

КАФЕДРАСИ

БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС

Башқич таъбибу: – йилнинг муқаддим, расмийлаш, қабил, таъбир ва мазкурлик билан тўқнаш қилинаётган ҳаётнинг, шунинг учун қандайдир янги таъбирни янгилик қилиш.

Илҳомий таъбибу: – йилнинг илҳомий ҳаётининг, унинг эҳсосий ҳаётининг, илҳомий ҳаётининг қилиниши ва унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши.

Тузатувчи таъбибу: – йилнинг мазкурлик қилиниши, унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши ва унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши.

Тузилма таъбибу: – йилнинг мазкурлик қилиниши, унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши ва унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши.

Учувчи таъбибу: – йилнинг мазкурлик қилиниши, унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши ва унинг эҳсосий ҳаётининг қилиниши.

Бухорои шариф 2020

“Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим тизимида 5 муҳим ташаббуснинг аҳамияти” мавзусида ўтказилаётган вилоят илмий-амалий анжуман материаллар тўпламида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март кuni ёшларга эътиборни кучайтириши, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиши, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиши кўникмасини шакллантириши, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиши, хотин-қизлар бандлигини таъминлаши каби масалаларга оид мақолалар киритилди.

Вилоят олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, умумтаълим мактаблари амалиётчи педагогларининг амалий фанларни ўқитиши ва мактабдан ташқари таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмун - моҳияти ўз аксини топган.

Масъул муҳаррирлар:

Бахтиёр Мустафоев,

Бухоро вилоят ХТХҚТМОҲМ доценти пед.ф.н.

Ҳусен Джураев,

Бухоро вилоят ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси

Тақризчилар:

Шаҳноза Қулиева,

*Бухоро давлат университети “Меҳнат таълими” кафедра мудири,
педагогика фанлари номзоди, доцент*

Убайдулло Қосимов,

*Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ҳудудий маркази
психология фанлари номзоди*

Ушбу анжуман материаллари тўплами Бухоро вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ҳудудий маркази 2020 йил 10 сентябрдаги илмий методик кенгашининг № 8/1 сонли қарори асосида нашр этишига тавсия этилди.



©АФМТТМК
©Бухорои шариф 2020

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ВОКАЛ-ХОР МАЛАКАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ

Р. РАХИМОВ,

БухДу”муסיқа таълими” кафедраси ўқитувчиси

Бошланғич синфлардаги муסיқа маданияти дарслари умумий таълим мактабларида ўқувчиларга бадий таълим ва ахлоқий эстетик тарбия бериш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Дастурда ўқувчиларга тизимли равишда вокал-хор малакаларини сингдириб бориш масаласи ҳам қўйилган. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг овоз апаратини жуда нозик, овоз диапазонлари чекланган бўлади. Узоқ вақт сурункасига қўшиқ куйлаш болалар овоз апаратининг шикастланишига олиб келиши мумкин. Айрим ўқитувчилар амалиётда дарс тузилмасини бузиб, муסיқа саводи ва муסיқа тинглаш фаолиятлари ўрнида ҳам жамоавий қўшиқ куйлатиш ҳолларига йўл қўйишади бу эса ўқувчиларнинг овоз диапазонларига путур етказиши мумкин.

Кичик ёшдаги ўқувчилар ўзларига хос жуда майин ва ёқимли овозга эга бўладилар. Биринчи синфдан бошлаб машғулотларда ўқувчиларнинг вокал ва хор малакалари такомиллаштирилиб борилади. Ўтириб ва туриб куйлаганда гавдани тўғри тутиш, нафасни режага сола билиш, куйлаганда унли ва ундошларни, мелодик, гармоник интервалларни тўғри талаффуз қилиш, динамик тусларга риоя қилган ҳолда майин овозли уйғун, ёқимли куйлаш устида мунтазам равишда иш олиб борилади.

Дастурда вокал хор малакалари (гавдани тўғри тутиш, нафасни режага солиш, товуш хосил қилиш, дикция, соз, ансамбль ва динамика) устида ишлаш ҳар бир синф учун алоҳида белгиланган. Болалар овозини парвариш қилиш, вокал ва хор малакаларини оширишда, қушиқ ўргатишда олдин махсус вокал машқларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда аввал ўқувчиларни ишчи диапазонининг примар (ўрта) товушларидан бошлаб, пастга томон йўналувчи тетрахордлардан фойдаланилади. Нафас эса меъёрида шовқинсиз, елкани кўтармай ўз вақтида олиш ва майин атака куйлашга алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, уларни овоз диапозони ҳаддан ташқари паст ёки юқори пардаларда куйлатиш ярамайди.

Қаттиқ гапириш, бақирш таом ва ичимликларни жуда иссиқ ёки совуқ ҳолда истеъмол қилиш овоз пардаларини хасталантириши ҳақида огоҳлантириб бориш лозим. Овозига хасталик аломатлари аниқланган ўқувчилар муолажа даврида куйлашдан озод этилади. Булар ўз вақтида муолажа учун отоларингологлар ёки фониатр шифокорларга юборилиши лозим. Ўқувчилар овозини асраш устида мунтазам иш олиб бориш овоз аппаратининг соғлом ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди..

Муסיқа дарслари жараёнида 1-синфда вокал – хор малакаларини шакллантиришда Ре 1 (До диез 1) – До 2 товушлари оралиғида (диапозонида) бўлган бир овозлик кўшиқларни айттириш тавсия этилади.

Жамоавий куйлашдаги ҳолат – ўтириб куйлашда кўллар тизза устига кўйилади.Туриб куйлаганда эса кўллар икки ёнга эркин туширилади.. Ҳар иккала ҳолатда ҳам елкалар орқароқ олиниб, гавда ва бош зўриқтирмасдан тўғри тугилади. Нафасни режага солиш, ҳамма билан бирга кўкрак ва елкаларни кўтармасдан, шовқинсиз нафас олиш, муסיқавий жумлаларнинг чўзимини олдиндан ҳис қилган ҳолда, асарнинг суръатига қараб узун ёки қисқа нафас ола билиш, олинган нафасни тежамли, бир меъёрда сарфлаб, жумланинг охиригача етказиш талаб этилади.

Яна бир муҳим физиологик жараён- овоз ҳосил қилиш:- артикуляция органларини эркин ҳаракатлантириш, лаблар ва тилларни фаол тутиш, унли товушларни талаффуз қилганда оғиз ва лабларни очилиш ҳолатларини билиш, унлиларни юмалоқ қилиб куйлай олиш. Товуш тембларининг бир хиллилига эришиш.Товушни бир маромда, аниқ баландликда ушлай олиш ва уни сонда (бир овозликда) куйлай олиш. Ўртача динамикда майин, юмшоқ куйлаш, мантикий урғулар бера олиш

Хор малакалари-синф сахнасига чиқиш қоидаларини ва синф хорида ўрнини билиш. Куйлаётганида кўшиқ айтаётганларнинг овозини назорат қилиб бориш ва ўз овозини уларга мослай олиш. Товушларни куйлашда созга, суръат

ва динамик тусларга риоя қилиш, қўшиқ сўзларини аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз этиш. Бутун гуруҳ билан ва якка ҳолда куйлай олиш. Қўшиқларни мусиқа асбоби жўрлигида ва жўрсиз куйлай олиш, куйлаганда дирижёрлик ишораларига риоя қилиш. Қўшиқнинг усулига чапак чалиб, бир жойда қадам ташлаб, тиззаларига кафт билан уриб жўр бўла олиш, турли янги усул, ҳаракатларни ўйлаб топиш ва ҳоказо.

2 – синфда - До 1 - Ре 2 диапазонимдаги бир овозли қўшиқларни куйлаш тавсия этилади

Қўшиқ айтишдаги ҳолат: биринчи синфда эгалланган малакаларни такомиллаштириш. Куйлаганда ўзини эркин тутиш, овоз аппаратларига ва мускулларга зўриқиш бўлмаслигига эришиш. Нафасни режага солиш: чуқур нафас олиш малакаларини ўстириш, Тез суръатли асарларни куйлаганда жумлалар оралиғида нафасни тез ва етарли ола билиш. Узунроқ жумлаларни куйлаганда нафасни меъёрига олиш ва бир маромда сарфлай билиш, жумла ўртасида нафас олмаслик кабилар

Овоз ҳосил қилиш: майин ва ёқимли куйлай олиш. Оғир суръатли қўшиқларни куйлаганда ортиқча чўзиб, асарнинг характерини бўшаштириб юбормаслик, Тез суръатли асарларда шошмаслик, овоз майинлигини йўқотмаслига билан бирлаштирилган ноталарни куйлай олиш. Унлиларни тўғри талаффуз этиш, ундош товушларни бурро ва аниқ талаффуз этиш. Куйлаганда оғизнинг юмалоқ бўлишига эришиш. Ўзбек тилида очик талаффуз қилинадиган унлиларни “ у “ товушига яқинроқ қилиб юмшатиб айтиш. Бақириб, қаттиқ ва очик овозда куйлашга йўл қўймаслик.

Хор малакалари: у инсонда (бир овозликда) – динамик тусларга тўла риоя қилган ҳолда, соф ва тик интонацияда таъсирчан қилиб куйлаш, якка ҳолда, кичик-кичик гуруҳ ёки бутун синф билан биргаликда куйлай олиш. Мазмуни ва характери турлича бўлган қўшиқларни мусиқа асбоби жўрлигида ва акапелла тарзида ижро эта олиш. Мусиқада такт ҳиссаларининг урғули ва урғусиз (кучли ёки кучсиз) бўлиши ҳақида тушунчага эга бўлиш. 3 чоракли ва 2 чоракли ўлчовларда дирижёрлик ҳаракатларини тушуниш. Ўқитувчи асарда

дирижёрлик қилганда унинг қўлига қараб қўпчилик билан биргаликда нафас олиш, ижрони бошлаш, дирижёрлик ишорасига амал қилган ҳолда ижрони тўхтатиш.

3 – синфда ўқувчилар ДО 1 – РЕ (МИ) 2 диапозонидаги бир овозли ва икки овозли элеменлари бўлган қўшиқларни куйлайдилар. Қўшиқ куйлашдаги ҳолат: 1 ва 2-синфларда олинган малакаларни такомиллаштириш, куйлаганда гавда, бош елкалар, қўллар, оёқларнинг, шунингдек, овоз аппаратларининг эркин ҳолатда бўлишини кузатиб бориш.

Нафасни режага солиш: тўғри нафас олиш малакалари устида ишлашни давом эттириш, нафасни кўкрак қафасига олинishi ҳолларига йўл қўймаслик. Олинган чуқур нафасни тўхтата олиш ва ундан куйлаш учун таянч ҳосил қила билиш. Айниқса юқориги ва пастги ноталарни куйлаганда нафасдан тежамли фойдаланиш

Товуш ҳосил қилиш: Мардлик, жасурлик ҳақидаги қўшиқлар каби қатъий оҳангда айтиладиган қўшиқларни енгил, силлиқ майин ва жарангдор овозда куйлаш, товушнинг қўпол, дағал ва нотекис бўлишига йўл қўймаслик. Оғир суръатли асарлардаги узун жумлаларни куйлаганда нафасни режали тақсимлай олиш. Тез суръатли асарларда нафасни шовқинсиз тез ва етарлича ола билиш. Лига билан бирлаштирган ноталарни куйлаш, стакатто қўйилган ноталарни кескин, узиб- узиб куйлаш. Унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш малакаларни ўстириш. Юқори пардаларда овозни ёпа билиш ва пастки пардаларда эҳтиёткорона билан паст овозда, зўриқмасдан куйлаш.

Хор малакалари: Икки овозли элемаетлари бўлган қўшиқларни айтиш. Бунда ўз партиясини мустақил куйлай олиш ва айна пайтда иккинчи партиядагилар овозини эшитиб, кузатиб бориш. Якка ҳолда, гуруҳ ёки бутун синф билан а капелла қўшиқларини куйлаш. Овозда асарнинг мазмуни ва характерини очиб беришга интилиш. Ўзи ва ўртоқларининг ижросига тўғри баҳо бера олиш. Ижрода йўл қўйилган камчиликларни сезиш ва тузатиш. Тўрт чоракли ўлчовдаги дирижёрлик ҳаракатларни билиш, ишораларга мос куйлаш.